



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ПЕКИНДА ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида XXIV қишқи Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбир хорижий давлатлар етакчилари, расмий делегациялар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Пекиндаги “Күш уяси” миллий стадионида бўлиб ўтди.

Маросим бадиий дастури ХХР Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган

“Инсоният умумий тақдири ҳамжамияти” концепциясини ўзида муҳасан этган бўлиб, Хитой халқининг қадимий тарихи ва бой маданияти, жаҳон иқтисодиёти пешқадами сифатида эришаётган улкан муваффақият ва ютуқлари, халқаро олимпия ҳаракатининг руҳи ва қадриятларини акс эттирди.

Сўнг Миллатлар паради бўлиб ўтди. Қишқи Олимпиадада иштирок этаётган мамлакатларнинг спорт делегациялари, шу жумладан, Ўзбекистон жамоаси стадион бўйлаб юрди. Ўйинларда юртимиздан қатнашаётган тоғчанғичиси Комилжон Тўхтаев Ўзбекистон

давлат байроғини тантанали кўтариб ўтди.

Ёрқин спорт байрами авжида Олимпия олови ёқилди. Маросим байрамона мушакбозлик билан якунланди.

4 — 20 февраль кунлари ўтказиладиган Олимпия мусобақаларида спортнинг 15 та

ўйналиши бўйича 109 та медаллар тўпلامي ўйналади, улар учун дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатларидан 4 мингдан зиёд спортчилар курашади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

4 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



лар ижроси таъминланганини қайд этдилар.

Хусусан, дастурнинг 273 та бандидан 243 таси тўлиқ бажарилган, 5 та банддаги вазифаларнинг ижро муддати узайтирилган, 20 та банднинг ижроси юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳалари ва тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, 5 та банднинг ижроси бўйича тегишли лойиҳалар Олий Мажлис палаталарига киритилган.

Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 187 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилиб, 2021 йилда ўтган йилдаги нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажмини 7,4 фоиз оширишга эришилган, чакана савдо айланмаси ҳажми 12,0 фоиз ўсган, бюджет даромадлари 164 триллион 700 миллиард сўмга ижро этилган.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 7 800 та қишлоқ ва маҳаллада 45 567 та объектда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари тўлиқ якунига етказилган. 8 триллион 731 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ҳисобига 20 300 километр узунликдаги автомобиль йўлларидан, 382 та кўприкда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилган. 5 892 километр ичимлик суви тармоқлари ҳамда 559 та иншоот қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида 1 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланган ва марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 65,1 фоиздан 69,7 фоизга етказилган.

➔ 2

Нуриддинжон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери:

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Мамлакатимиз Президентининг тегишли Фармони билан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу ҳужжат келгуси беш йилда мамлакатимизда “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Таҳлил

Таъкидлаш жоизки, Тараққиёт стратегияси сўнгги йилларда мамлакатимиздаги тизимли ижобий ўзгаришларнинг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилган Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш натижасида келиб чиққан хулосалар ҳамда тўплаган улкан тажриба ва самарали

хулосалар натижалари ҳамдир. Тараққиёт стратегияси лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлиги, муҳокамалар жараёнида халқимиз томонидан билдирилган 17,5 мингдан ортиқ тақлиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, лойиҳага 100 га яқин концептуал ҳамда 200 дан зиёд аниқ характерга эга

ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигининг ўзи ҳам бу муҳим ҳужжат қай даражада халқчил эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу ўринда инсон қадрини юксалтириш, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш энг олий қадрият сифатида қаралган ушбу ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаларида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, комиссиялар,

➔ 3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИНСОН ҚАДРИ УЧУН — 100 ТА МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги инсон қадрини таъминлашнинг устувор мақсад ва вазифаларини амалга оширишда парламентнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Адлия вазирликлари, “Юксалиш” умумий миллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, ЎзННТМА, Қонунчилик муаммо-

лари ва парламент тадқиқотлари институти ходимлари, Ёшлар парламенти аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов кинчи сўзи билан очди.

➔ 4

КАВКАЗЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА МАХСУС ЗИЁРАТ-ТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчиси Баҳром Ашрафзонов Кавказ мусулмонлари идораси (КМИ) раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшоода билан учрашув ўтказди.

Биз ва жаҳон

Тадбирда томонлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатига юқори баҳо бериб, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин муносабатлар умумий тарихга, муштарак диний ва маънавий қадриятларга эга бўлган дўст ўзбек ва озарбайжон халқла-

рининг умумий манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Элчи ислом оламининг машҳур илм-фан марказларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг диний-маънавий қадамжоларини оммалаштириш муҳимлигига эътибор қаратар экан, Кавказ мусулмонлари идораси раҳбари-

нинг эътиборини бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларга қаратди. Хусусан, Ўзбекистон туризм ва спорт вазирлиги томонидан Озарбайжон ва Кавказ мамлакатлари мусулмонлари учун Ўзбекистоннинг машҳур тарихий шаҳарлари, жумладан, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд орқали етти кунлик саёҳатдан иборат “Оллоҳшукур Пошшоода изидан” номли зиёрат-тур ишлаб чиқилгани таъкидланди.

➔ 4

Нуриддинжон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери:

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



муаммолар ҳал қилинди. Куйи палата мажлисларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг 23 мартаба ахбороти “Парламент эшитуви” тартибда эшитилди, мансабдор шахсларга 462 та депутат сўрови юборилди.

Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан ўтган йилда 19 та қонуннинг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибда ўрганилди.

Умуман олганда, Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги парламент назорати йўналишидаги фаолиятини янгича мазмун-моҳияти билан бойитиш, амалий натижадорликка эришиш, парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йилда жами 160 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, 96 та қонун қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Жумладан:

- ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган янги **Меҳнат кодекси** қабул қилинди;
- аҳолини айрим турдаги **озик-овқат маҳсулотлари** билан узлуксиз таъминлаш, **нархлар барқарорлигини сақлаб қолиш** ҳамда бу борада ҳукуматни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшилган қиймат солиғи бўйича **имтиёзлар** беришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди;
- **ер муносабатларини тартибга солиш**, ердан самарали фойдаланишга қаратилган “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги “Дехқон хўжаликлари тўғрисида”ги, “Томорқа хўжаликлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди;

Харакатлар стратегияси доирасида бешта устувор йўналиш бўйича ҳар йили қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилган давлат дастурларининг ижроси натижасида янги Ўзбекистон пойдеворининг тамал тошлари қўйилди.

Энг муҳими, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар Олий Мажлис палаталари фаолиятида ҳам муайян ижобий натижаларга эришилгани учун замин яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда демократик ислохотларни амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг юртимиз ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазибаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини юритиш бўйича **Олий Мажлис палаталарига қўшимча ваколатлар берилди.**

Биринчидан, ҳукуматнинг **Давлат дастури ижроси бўйича** парламент олдида **ҳар чорада ҳисобот бериши амалиёти** йўлга қўйилди.

Шунга мувофиқ, Қонунчилик палатасида ҳамда унинг қўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида ҳукуматнинг тегишли йўлга мўлжалланган Давлат дастури ижроси юзасидан ҳисоботи ҳар чорада кўриб борилаётганлиги белгиланган вазибаларнинг изчил бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, Олий Мажлисининг фаолиятига ҳукумат иши устидан парламент назоратининг муҳим тури — мунтазам равишда ўтказиладиган **“Ҳукумат соати”** институти жорий қилинди. Мазкур институти парламент назорати фаолиятига **янгича руҳ** олиб кирди. Зеро, бу жараён жойларда аҳолини ташвишга солиб келаётган қатор муаммолар ва масалаларни ҳал этишда ижро қилувчи ҳокимият ҳамда парламент ҳамкорлигининг энг самарали усулига айланди.

2021 йилда 7 мартаба “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда ҳукуматнинг жами 8 нафар аъзоси халқ вакилларининг долзарб масалаларга доир саволларига атрофлича жавоб берди.

Учинчидан, ижро ҳокимиятининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартибининг янада демократлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимида биноан ҳукумат аъзолари номзодларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш амалиёти жорий этилди.

2021 йил давомида ҳукумат аъзолигига 9 нафар номзод Қонунчилик палатасининг мажлисларида кўриб чиқилди. Номзодларнинг муайян соҳани ривожлантириш бўйича яқин муддатга ва истикболга мўлжалланган **ҳаракат дастури билан депутатлар олдида чиқиш тизими** йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, парламент назоратининг самарадорлигини ва депутатлар корпусининг ҳам масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, парламент назорати объектлари қаторига **ҳўжалик бошқаруви органлари** ҳам киритилди. Шундан келиб чиқиб, ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига ҳам парламент сўровини юбориш институтидан фойдаланиш натижадорлиги кенгайтирилди.

Бешинчидан, **БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини** Ўзбекистон томонидан бажаришга, мамлакатимизнинг **ҳалқаро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичларини** янада яхшилашга доир режалар ижросини назорат қилиш ҳам парламент амалиётига кириб келди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган даврда депутатлар корпуси парламент назоратининг аънавий институтидан ҳам самарали фойдаланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 2021 йил давомида 16 та парламент сўрови юборилди. Уларнинг натижасида ижтимоий, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш соҳаларидаги, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган ва қийнаб келаётган бир қатор

Бугун Қонунчилик палатаси халқаро йўналишдаги ишининг натижадорлиги ошиб, **ҳалқаро алоқалар географияси** кенгайди.

Агар 2019 йилда Олий Мажлисда хоржий давлатлар парламентлари ҳамда Европа Иттифоқи парламенти билан жами 28 та парламентлараро гуруҳ тузилган бўлса, бугунги кунда ушбу **парламентлараро гуруҳлар сони 52 тага етди ва “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” парламент ҳамкорлик кўмитаси хузурида Олий Мажлис делегацияси ташкил этилди.** Ҳозирги вақтда Олий Мажлис халқаро алоқаларининг кенг қўламли дастури мамлакатимиз ташқи сиёсий йўлининг муҳим таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳам икки томонлама шартномалар йўналиши бўйича, ҳам халқаро парламентлараро ташкилотларда дадил илгари суриш имконини бермоқда.

Қайд этиш жоизки, Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлар ва жорий йил бўйича қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг жорий йилдаги устувор йўналишларини белгилашда, аввалги йиллардан фарқи равишда бутунлай **янгича гоа ва мақсадлар асосида** ёндашилди.

Қонунчилик палатасининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси**да ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича **Давлат дастурида**, шунингдек, мамлакатимиз Президентининг қатор дастурий мабурузалари, фармонлари ва қарорларида белгиланган устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, парламент назорати га доир фаолиятини кучайтириш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, парламент вакилларининг халқ билан доимий мулоқотини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш каби устувор мақсад ва вазибалар акс эттирилган.

Шунингдек, келгусидаги фаолиятимизнинг асосий йўналишлари сифатида Қонунчилик палатаси фаолиятида очиллик ва шаффофликни таъминлаш, депутатларнинг ўз сайловчилари билан тўғридан-тўғри алоқада бўлиш имконини берувчи алоҳида электрон платформани ишга тушириш ва уни такомиллаштириб бориш ҳамда халқ вакилларининг жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишдаги иштирокни янада кучайтиришга доир бир қатор вазибалар белгиланган.

Тараққиёт стратегиясида қонун ижодкорлиги ва парламент назорати жараёнларида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш орқали жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш, очиллик ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Парламент фаолиятида ҳам мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишларга ҳамроҳан **тарзда очиллик ва шаффофлик** бош мезонга айланиб, қонун лойиҳалари муҳокамасида **жамоатчилик иштироки кенгайтирилмоқда.**

Хусусан, Қонунчилик палатасининг барча мажлисларини **“Ўзбекистон”** ва **“Ўзрпорт”** телеканалларида ҳамда Қонунчилик палатасининг **“YouTube”** даги расмий саҳифаси орқали жонли тарзда ёритиш амалиёти йўлга қўйилди.

Парламент фаолияти тадбирларининг тўғридан-тўғри эфирга узатилаётганлиги натижасида фуқаролар томонидан билдирилган қўллаб-қувватлаш ва фикр-мулоҳазалар қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга, шунингдек, Қонунчилик палатаси фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга ҳамда ҳукумат аъзолари, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги даражасини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Медиа маконининг талаблари ва эҳтиёжларига мос тарзда **“Facebook”**, **“Telegram”** ва **“Instagram”** каби ижтимоий тармоқлар ҳамда **“YouTube”** видеохостингига **“Oliy Majlis Qonunchilik palatasi”** номли расмий саҳифалар очилганлиги палата фаолиятига оид ҳолда, ишончли ахборот тарқатилиш имкониятини бермоқда.

Тараққиёт стратегиясида “Электрон парламент” доирасида депутатларнинг ўз сайловчилари билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнини рақамлаштириш масалалари бўйича ҳам вазибалар белгиланган.

Бу борада Қонунчилик палатасида депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш, шу жумладан, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, амалга оширилаётган ишлар, кўриб чиқилаётган ҳужжатлар ва сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш имкониятини берадиган **“Қонун ижодкорлиги фаолияти тизими”** — www.qonun.gov.uz ҳамда **“Депутатлар**

портали” — www.deputat.gov.uz ахборот тизими ишга туширилди.

Бугунги кунда айнан депутатлар одамларни безовта қилаётган долзарб масалалар бўйича жамоатчилик билан олиб борилаётган **фаол мулоқотнинг ташаббускори** бўлмоқда. Қонунчилик палатаси томонидан қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини, уларни амалда қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини аҳолининг турли қатламларига тушунириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Қонунчилик палатаси фаолиятида **электрон ҳужжат айланиши** тизими йўлга қўйилган бўлиб, уни янада такомиллаштириш устида сайё-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Шунингдек,

“Парламент фаолиятида ҳам мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишларга ҳамроҳан тарзда очиллик ва шаффофлик бош мезонга айланиб, қонун лойиҳалари муҳокамасида жамоатчилик иштироки кенгайтирилмоқда.”

“Электрон парламент” тизимини яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Келгусида ушбу йўналишдаги иштироклар янада ривожлантирилади.

Тараққиёт стратегиясида белгилаб олинган мақсадлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгашларининг ҳудудлардаги ислохотлар жараёнидаги ролини кучайтириш мақсадида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида айрим депутатларнинг доимий асосда ишлаши тартиби ҳамда **“Рақамли халқ депутатлари Кенгаши”** лойиҳаси доирасида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига замонавий ахборот технологиялари жорий этилди.

Қабул қилинган Давлат дастурида ҳудудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда муҳокама қилишда ҳудуддан сайланган депутатларнинг иштирокини кучайтириш, парламент назоратини биргалликда амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталари томонидан келишилган ҳолда қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргалликда таъминлаш амалиёти жорий этиш назарда тутилмоқда.

Давлат дастурида депутатлар фаолиятини самарали ташкил этиш борасидаги ишларни янада ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Жумладан, “Ҳукумат соати”ни ўтказиш доирасида ҳукумат аъзоларига онлайн равишда фуқаролардан келиб тушаётган тизимли муаммолар бўйича депутатлар томонидан саволлар бериш тартиби жорий этилди. Парламент палаталари аъзоларининг сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнини рақамлаштириш, депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш, фуқароларнинг парламентга муҳокама қилинаётган ҳар бир масаладан хабардор бўлишини таъминлаш, сайловчилар билан **“қайта алоқа”** имкониятлари янада кенгайтирилади.

“Келгусида инвестиция дастурлари доирасида 6 миллионга яқин янги иш ўринларини яратиш, таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини юксалтириш дастурини амалга ошириш, республиканинг ҳар бир ҳудуди бўйича экологик вазиятни яхшилаш, санитар тозалаш ишларини тизимли йўлга қўйиш, “Ашил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросини удалаш, жумладан, аҳоли массивларида “яшил боғлар” ҳамда “яшил жамоат парклари”ни ташкил этиш борасидаги фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга, шунингдек, аҳолининг **экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга устувор аҳамият қаратилади.”**

Давлат раҳбарининг ғояларидан келиб чиқиб, депутатлар учун парламент куйи палатасида замонавий, қулай ва мутлақо янгича қиёфадаги **“Парламент кутубхонаси”** ташкил этилди. Бугунги кун андозаларига мос тарзда қурилган ушбу Парламент кутубхонаси замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланди ҳамда кутубхона фонди янгидан-янги сиёсий ва бадиий адабиётлар билан тўлдирилди. Келгусида ушбу кутубхонанинг имкониятлари янада кенгайтирилади.

Депутатларнинг сайлов округида сайловчилар билан тизимли мулоқотини кучайтириш, жойларда мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида депутатлар ташаббуси билан **депутат ёрдამчиси институти** жорий қилинди ва унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шундан келиб чиқиб, келгусида халқ вакилларини ўз сайловчилари билан янада яқинлаштириш, сайловчиларнинг кайфиятидан доимий равишда хабардор бўлиб

туриш мақсадида депутат ёрдამчилари фаолияти такомиллаштирилади.

Депутатларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини жонлантириш долзарблигича қолади. 2021 йилда депутатлар ташаббуси билан атиги 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, куйи палатага кўриб чиқиш учун киритилган. Бу кўрсаткич жуда оз ҳисобланади. Шу сабабли депутатларнинг бундай имкониятдан кўпроқ фойдаланиши учун тегишли чоралар белгиланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари билан уларнинг Марказий Кенгашлари, маҳаллий Кенгашлар ва ундаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожлантирилади. Бунда, ҳар йили парламентнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди, “Қонунчилик палатаси депутати — унинг ёрдამчиси — маҳаллий Кенгаш депутати” тизими асосида қонун лойиҳалари бўйича фикрлар ва тақлифларни олиш, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида, парламент назорати тадбирларида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари вакилларининг иштирок этиши, уларнинг фикрларини олиш, қабул қилинган парламент қарорлари ижросини жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргалликда таъминлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш сифатини яхшилаш мақсадида Қонунчилик палатаси қўмиталари хузурида тузилган экспертлар гуруҳлари имкониятларидан кенг фойдаланилади, шунингдек, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари мажлисларида ҳар бир қонун лойиҳасини номинатига эмас, балки бир неча бора тартом маънодаги принципиал муҳокамалардан ўтказиш амалиёти давом эттирилади.

Парламентнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида парламент ва ҳукумат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларни янги йўналишда ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатасининг Спикери ҳамда Бош вазир томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларини маромига етказиш борасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан Қонунчилик палатаси қўмиталари аъзолари ва Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлиналари ходимлари иштирокида туркум семинарлар ўтказиш” жадвали асосида Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлиналари вакиллари иштирокида туркум семинарлар ўтказилди.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш бўйича ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларида белгиланган устувор вазибаларнинг самарали бажарилишида ҳам парламент назорати муҳим ўринга эга эканлигидан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси томонидан ушбу йўналишдаги фаолият янгича ёндашувлар асосида амалга оширилади.

Жумладан, келгусида ҳукумат, давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг қурилиш, туризм ва спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, қишлоқ ва сув ҳўжалигида, хунармандчилик, пиллачилик ва қорақўлчилик

йўналишларида ҳамда инвестиция дастурлари доирасида 6 миллионга яқин янги иш ўринларини яратиш, таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини юксалтириш дастурини амалга ошириш, республиканинг ҳар бир ҳудуди бўйича экологик вазиятни яхшилаш, санитар тозалаш ишларини тизимли йўлга қўйиш, “Ашил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросини удалаш, жумладан, аҳоли массивларида “яшил боғлар” ҳамда “яшил жамоат парклари”ни ташкил этиш борасидаги фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга, шунингдек, аҳолининг **экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга устувор аҳамият берилди.**

Хулоса ўрнида айтганда, **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** нафақат мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик равнақини, шу билан бирга, унинг узоқ йиллик ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат ҳисобланиб, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланишида, мамлакатимизни модернизация қилишда ва ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқ сайлаган вакиллар орқали фуқаролар манфаатларини ифодаловчи ҳақиқий демократик орган сифатида шаклланган, давлат ҳокимияти органлари тизимида муносиб ўрин эгаллаган парламент келгусида ҳам Тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН — 100 ТА МАҚСАД

Ташкилланганидек, Харақатлар стратегияси доира-сида ислохотларнинг нати-жасида мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Жаҳон миқёсидаги мураккаб жа-раёнларни ҳамда мамлакатимиз бо-саиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда "Инсон қадри учун" тамойи-ли асосида халқимизнинг фаровон-лигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривож-лантириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини сўзсиз таъминлаш ва фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган исло-хотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Янги Ўзбеки-стоннинг тараққиёт стратегияси 2026 йилгача бўлган бунёдкорлик жараёнини қамраб олади ва йилма-йил амалга ошириб борилади.

Тадбир иштирокчилари томони-дан Тараққиёт стратегиясида эти-та устувор йўналиш белгилаб олин-ганлиги ва ҳар бир йўналиш зами-рида инсон қадрини таъминлашдек улуғ мақсад ётганлиги алоҳида эътибор этилди.

Давлат ва шахс, жамият ва инсон муносабатларида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда қонуний ман-фаатларини таъминлашга қаратил-

ган бир қатор тамойилларнинг ил-лари сурилиши, улар мамлакатимиз-нинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари-да муҳим ўрин тутгани янги Ўзбеки-стонда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳа-сида бундан буён тутадиган позиция-сини дунё ҳамжамияти тан олиши-га замин яратди.

Тараққиёт стратегиясида кўпгина соҳалар қатори инсон қадрини юк-салтириш билан боғлиқ бир қатор мақсад ҳамда вазифалар қамраб олинган. Жумладан, 7 та устувор йўналиш бўйича "Инсон қадри учун — 100 та мақсад" белгилаб олинган бўлиб, 1-йўналиш "Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларар давлат барпо қилиш" деб номланган. У 12 мақсад ва 45 та вазифани қамраб олган. Ушбу мақсадларга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг катта имкониятларидан самарали фойда-ланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, натижада маҳаллани жамиятнинг ҳал қилувчи бўлишига айланатириш вазифаси қўйилган.

"Халқ билан мулоқотнинг меха-низмларини такомиллаштириш", деб номланган 11-мақсадда "Давлат халққа хизмат кўрсатиши шарт" ғоясини татбиқ этишни назарда ту-тувчи "Халқларар давлат" миллий

дастурига амалга ошириш, халқ бил-лан очик мулоқотнинг механизмла-рини янада такомиллаштириш, му-ҳим қарорларни жамоатчилик фик-рини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш каби вазифалар қўйилган. Шунинг-дек, Тараққиёт стратегиясида мам-лакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, манфаатларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга за-мин яратилган ва аниқ механизмла-рлар назарда тутилган.

Давра суҳбати иштирокчилари бу муҳим вазифани амалга ошириш учун барча манфаатдор вазирилик ҳамда идораларнинг, асосийси, фуқаролик жамияти институтлари-нинг сый-ҳаракатларини сафарбар қилиш лозимлигини алоҳида таъ-кидлади. Зеро, янги Ўзбекистон — инсон қадри устувор бўлган жа-мият ва халқларар давлатдир.

Қизғин ҳамда конструктив руҳ-да ўтган давра суҳбати якунида "2022 — 2026 йилларга мўлжаллан-ган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Президент Фармонида келиб чиқадиган ва-зифаларни амалга оширишда пар-ламент олдига турган долзарб ва-зифалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕНЕССАНСНИНГ ПОЙДЕВОРИ ИЛМ-ФАНДА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга мустақил йилларда кенг эътибор берилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича БМТнинг Миллий ривожланиш мақсадлари асосий параметрларига эришилди.

Тарихга назар ташласак, эраимиздан олдин Марказий Осиё, Эрон ва Озарбайжон худудида яшаган халқларнинг урф-одатлари, ақидалари ҳақида ёзилган "Авесто"нинг "Вендидат"ида келтирилишича, ўша даврда Трита исми зот табиблик билан шуғулланган ва одамларни ка-саллик ва ўлимдан сақлаган. Тритага яхшилик илоҳи Ахурамазда касалларни даволаш учун са-модан 10 минг хил дори юборган.

Трита, шунингдек, "Хаома" деб аталувчи маст қилувчи ва наркотик хусусиятга эга бўлган ичим-ликни кашф этган, "Хаома" эса ҳаёт ва сало-матлик манбаи деб аталган. Китобда Траетон исмили табиб ҳақида ҳам маълумот келтирилган ва ислмогача уни табиблик илоҳи, деб аташган. "Авесто"да табибиётнинг келиб чиқиши ҳақида яна бир ривоят бор. Унда айтилишича, одам-ларга табиблик санъатини Йилма исмили зот ўргат-ган. Бу зотни Нух пайгамбарга нисбат қиладил-лар. Китобда одам анатомияси ва физиология-си ҳақида ҳам баъзи маълумотлар мавжуд. Унда одам гавдаси 8 қисмдан иборат, деб кўрсатиш-ган. Инсон вужудидagi суяклар, мускуллар, ёллар, мия, томирлар, қон, жигар ва жигар ўти ҳамда икки хил томир мавжудлиги кўрсатилган.

вомида қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда. Шарқ мамлакатларида "Шайх-ар-раис" ("Дониш-мандлар сардори") номи билан, Фарбда эса "Авиценна" сифатида машҳур. Буюк аллома томонидан яратилган "Тиб қонунлари" асари Европа университетларида бир неча аср мобай-нида дарслик сифатида қўлланилган.

Ислом маданиятининг олтин асри

Иккинчи Ренессанс, яъни теурийлар даври тарихда "Ислом маданиятининг олтин асри" сифатида тилга олинади.

Ўрта асрларда табибиёт, фазо илми ва мате-матика фанларининг ривожланиши юртимизда иккинчи Ўйғониш, яъни иккинчи Ренессанс дав-рини бошлаб берди. Улуғ бобомиз, соҳибқирон

Нуктаи назар

Амир Темур ўз салтанатига истеъдодли олим-лар, шоирлар, хунармандлар, мейморларни жамлади ва уларга илм-фан тараққиёти учун ке-ракли барча шарт-шароитларни яратди. Бена-зир олимлар, мутафаккир шоирлар майдонга чиқ-ди. Мусаввирлар, қўллаб ҳатто ва создалар, мусикашунос ва мейморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Бу даврда табибиёт ривожига катта аҳамият берилди. Масалан, Самарқандда "Доруш-шифо" ("Шифо маскани") номи йирик шифохона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиблари — Мир Сайид Шариф Шерозий раҳбарлик қилган.

Қолаверса, Самарқандда Мансур ибн Муҳаммад, Мавлоно Файзуллоҳ Табризий ва Хисобиддин Иброҳим Қирмоний сингари машҳур табиблар фаолият кўрсатган.

Шифохоналарда ишловчи табибларга яхши ҳақ тўланган, махсус фармонлар билан уларнинг маоши олимлар, мунажжимлар, тарихнавислар ва муҳандисларнинг маошларига тенглаштирилган.

Биринчи Ренессанс даврида бўлгани каби бу даврда ҳам илм ўрганиши истовчилар бутун дунёдан оқиб кела бошлади.

Ҳамма ўзгаришларни одамлар кундалик ҳаётида сезиши керак

Учинчи Ренессанс остонасида мамлакатимиз-даги табибиёт тизими ҳамда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари қандай? Бу са-волга жавобни давлатимиз раҳбари ибораси бил-ан айтсак, ҳали бу соҳада мактабимиз эрта.

Ўзбекистон миллий соғлиқни сақлаш тизими-



да ягона ахборот базаларини яратиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Касалликларни барвақт аниқлаш, улар-нинг масофали профилактикасини жорий этиш, бемор ҳақидаги тиббий маълумотларни дарҳол олиш имкони яратилди. Табибиёт тизимига ма-лакали кадрлар тайёрлаш мақсадида юртимизда бир неча олий ўқув юртлири фаолият кўрсат-моқда. Кейинги йилларда вилоятларда уларнинг филиаллари ташкил этилди.

Тўғри, бу соҳада силжишлар бўляпти, ижобий ютуқларни ҳам қалаштириш ташлашимиз мум-кин. Лекин табибиёт соҳасига халқ қандай баҳо берапти? Ана шундан келиб чиқшимиз керак. Давлатимиз раҳбари "Халқимиз ҳали-ҳамон тиб-биётдаги ўзгаришлардан норози. Агар табибиёт-даги ислохотларни амалга оширсак, халқимиз ҳаётида қандай яхши ўзгаришлар бўлади. Бу-нинг учун фидойилик керак", деб бежиз таъкид-ламади.

Учинчи Ренессансни барпо этишда, шубҳа-сиз, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Та-раққиёт стратегиясида белгиланган, табибиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилган режалар муҳим ўрин тутди. Булар — бирламчи табибиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва да-волайдиган тизимга айлантириш, ихтисос-лаштирилган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақамлаштириш орқали соҳада қозғобозлик, бюрократия ва кор-рупцияни кескин қисқартириш, табибиётнинг бар-ча йўналишида рақобатнинг ривожланиши ва хусусий сектор жадал кириб боришини ҳар то-монлама қўллаб-қувватлаш ва табибиёт ҳодим-ларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантиришдан иборат. Президентим-из айтганидай, ҳамма ислохотларни, ҳамма ҳаракатларни биргаликда қилсак, удалай олак, халқимиз талабини бажарган, ишончини оқлаган бўламиз.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат табибиёт институти ректори, профессор.

КАВКАЗЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА МАХСУС ЗИЁРАТ-ТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Мазкур тур ва унинг имконият-лари ҳақида маъ-лумот берувчи стенд ҳам тақдим этилди.

Ўз навбатида, Оллохшукур Пошшозода кўрсатилган эътибор ва ишлаб чиқилган зиёрат-тур учун миннатдорлик билдирди. У доим Ўзбеки-стонни ўзининг иккинчи Ватани деб билишини, умрининг бир қисмини республикамизда таълим

олишга бағишлаганини, ўзбек халқи, унинг бой маданияти ва маънавий меросини юксак қадрла-шини алоҳида таъкидлади. Оллохшукур Пошшозода ислом динини тарғиб қилиш, илмий жиҳатдан пух-та ўрганиш ва мусулмон меросини оммалаштириш-да Ўзбекистоннинг улкан ўрни ва сиёсий иродаси мавжудлигини қайд этди.

"Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳна-

молигида Ислом ўйғони-ш даврини бошдан ке-чирмоқда. Ўзбек халқи-нинг миллий ва маъна-вий қадриятларини юксак қадрлаган ва ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг самаралари қисқа вақт ичида олам-шумул аҳамиятга эга бўлди. Мен Ўзбекистон раҳбарининг ислом мероси ва ахлоқий қадриятлари-ни қўллаб-қувватлаши,

ушбу қадриятларга нис-батан эътиборини юксак баҳолайман ва Аллоҳ-дан унинг улкан меҳна-тига барака ато этиши-ни сўрайман", деди Оллохшукур Пошшозода.

КМИ раиси Ўзбекис-тонга зиёрат сафарини қисқа вақт ичида олам-шумул аҳамиятга эга бўлди. Озарбайжонда катта қизқиш билан кутиб оли-нишига ишонч билдирди.

«Дунё» АА.
Боку

Донишмандлар сардори

Муқаддас Ислом дини минтақамизга кириб келганидан сўнг бошланган тарихий давр би-ринчи Ренессанснинг ҳақиқий пойдевори бўлди.

ХI асрда фаолият кўрсатган Хоразмдаги Маъмун академиясида замонасининг машҳур олимлари, шу жумладан, Абу Наср ал-Жаздий, Абулхайр ибн Хаммор, Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Аҳмад ибн Мискавайҳ ва бошқалар фао-лият кўрсатган. Бу олимлар Греция, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижод-ди, танқидий ўрганиб, уни янада юксак бос-қичга кўтарган. Буюк аллома Ибн Сино жаҳон фани тарихида қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанлар-нинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган.

Тури манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар-лар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача 242 таси етиб келган. Шулардан 80 таси фал-сафага, 43 таси табабатга оид бўлиб, қолган-лари математика, психология, астрономия, матема-тика, мусика, кимё, ахлоқ, адабият ва тил-шуносликка бағишланган. Айнақса, унинг тиб-биёт ва фалсафага оид китоблари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима этилиб, асарлар да-

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ—4343-сонли қарориди белгиланган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларни замонавий талабларга жавоб берадиган арзон уй-жойлар билан таъминлаб, уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳарбий тузилмаларининг фаолиятини таъминлаш базаси ходимларига кўп квартиралы уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади.

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси.
2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (3 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак).
3. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома.
4. Давлат солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома.
5. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот.
6. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишида).
7. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишида).
8. Қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун имтиёзли, арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи).
9. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносига қўшимча равишда автомобиллар тураржойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт.
10. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватларини ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим.
11. Қурилиш режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ харажатлар инвестор ёки қурилиш ташкилоти маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагида бўлган инвестор ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ўз таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй.
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси. Телефон: 71-281-94-08.

Қурилиш режалаштирилаётган объект манзили:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳарбий тузилмаларининг фаолиятини таъминлаш базасига тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Уш кўчаси, 1-уйда жойлашган 7801-сонли ҳарбий қисм балансида бўлган қурилиш умумий майдони 3000 м² (0.30 га.) бўлган бўш ер майдони.

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШИ УЧУН ТАКЛИФ

«Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси ўзининг 2021 йилдаги молия-ҳўжалик фаолияти натижаларини йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказишга, аудит ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилишини эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги талабларга мос бўлиши зарур:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияга ва фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш полисига эга бўлиши;
- устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари рўйхатида туриши;
- йирик корхоналарда, шу жумладан, лизинг ташкилотларида ҳам аудит хизматлари ўтказиш тажрибаси ва етарли малакадаги ходимлар бўлиши.

Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- талабгор аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва гувоҳномаси нусхаси;
- талабгор аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхаси.

Аризалар кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари учун тўланадиган қиймат белгиланган ҳолда, қуйида кўрсатилган манзилда 2022 йил 28 февраль маҳаллий вақт билан соат 16.00 гача бўлган муддатда қабул қилинади.

Юзага келадиган саволлар бўйича 78-150-36-11 телефон рақами орқали шанба ва яқшанбадан ташқари соат 9.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Белгиланган вақтдан кейин тушган аризалар эътиборга олинмайди.

«Ўзмелиомашлизинг» ДУК манзили: 100 000, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Новза кўчаси, 14-уй.
Телефон/факс: 71-239-46-24.

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда (тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
- 4) Пицца 45x45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.

Ёнғинга ҳавфсиз, қучланиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номуносабиллиги).

12 ойлик кафолат.

5 йил беизл сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.

ХАЛҚ СЎЗИ
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklama@mail.ru
reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Қўмита аъзоси Мавжуда Ҳасановага падали бузуқворни **Ганишер ҲАСАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонинг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 0010-8788

Табриқлашган қўзғалмақлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг etkazib берилши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик аҳдатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.00 Тошириди — 00.35 1 2 3 4 5 6